Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 169 (4864).
29 ИЮЛЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ Жузл янги ҳаракат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг раиси, Халқ революцион ҳукумати Бош министри Морис Руперт Бишоп бошчилигидаги Гренада партия-ҳукумат делегацияси 28 июль куни Москвадан Ленинградга жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий комитети секретари М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Ленинградга жўнаб кетиш олдидан М. Бишоп совет ва чет эл мухбирлари учун матбуот конференциясида сўзга чиқди.

◆ 1982 27 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос — 1396» учирилди.

◆ «Корхонанинг юридик хизмати» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

Бизнинг интервью

«ТОШКЕНТ» МАРКАЛИ СОАТЛАР

✦ РЕСПУБЛИКАДА ЯГОНА ✦ КЎПЛАБ ТУРЛИ ХИЛ МАҲСУЛОТЛАР ✦ БИРИНЧИ НАВБАТИ ҚУРИЛЯПТИ.

Узбекистон пойтахтида «Янтарь» ишлаб чиқариш бирлашмаси Орёл соатсозлик заводининг Тошкент филиали қурилиши бошланди. У Бешқайрағоч массивида, Уйғур ва Тўқимачи кўчалари оралиғида қад кўтараяпти.

«Тошкент оқшоми» мухбири корхона бош инженери О. А. Корбел билан учрашиб, унга саволлар билан мурожаат қилди.

— Олег Александрович! Нима муносабат билан Тошкентда соатсозлик заводи қуришга қарор қилинди?

— Партия ва ҳукуматимиз кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Аҳолининг хизмат хоналари ва квартиралар учун мўлжалланган турли хил декор ва стол соатларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун Ўзбекистон пойтахтида соатсозлик заводи қуришга қарор қилинди. Шуни ҳисобга олиш керакки, бундай турдаги корхона Ўрта Осиёда биринчи бор қурилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқариладиган соатларнинг корпусларига миллий нақшдаги безаклар туширилади.

Шу билан бирга, корхона ишга туширилиши билан муҳим социал проблема ҳам ҳал этилади. Гап шундаки, ҳозир завод қурилаётган Акмал Икромов районида бирорта саноат корхонаси йўқ. Заводнинг қурилиши маҳаллий аҳолига ўз уйларидан унчалик йироқ бўлмаган жойда ишлаш имконини беради. Демак улар узоқ масофага бошқа ишхонага қатнаб юрмайдилар.

— Лойиҳалаш ишларини қайси ташкилот амалга оширган? Бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг намуналарини тайёрлаш кимга топширилган?

— Заводимизни лойиҳалаш ишларини Орёлдаги «Гипроприбор» институти коллективи амалга оширди. Шуни айтиш керакки, лойиҳа учун буюртмамиз жуда қисқа вақт ичида юксак сифат билан бажариб берилди. Ҳозирча корхонанинг биринчи навбати қуриляпти. Демак корхонанинг ушбу навбати фойдаланишга топширилган дастлабки пайтда соатлар бу ерда фақат йиғилади ва созлаш ишлари амалга оширилади. Соатларнинг корпусларини тайёрлаш билан эса асосан республиканинг бошқа турли корхоналари шуғулланади. Масалан, бу соҳада Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг бўлинмалари, «Уста» халқ санъати бирлашмаси актив фаолият кўрсатади. Мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлиги, «Средазкварцсамоцв е т н» экспедицияси корхоналари, шунингдек «Узбекхимпласт» бирлашмаси соатларнинг корпуслари бўйича ўзлари тайёрлаган намуналарни тақдим этишмоқчи. Бу ишга орёллик рассомлар ҳам ҳисса қўшадилар.

Келгусида ишлаб чиқариш кенгайтирилади, корхонанинг иккинчи навбати бунёд этилади ва натижада мустақил ҳолда соатлар ишлаб чиқаришга ўтилади.

— Соат ишлаб чиқариш — бу нозик ва алоҳида маҳорат, билим талаб қиладиган иш...

— Ҳа, албатта. Шунинг учун ҳам соатсозлик касбини эгаллашни хоҳловчилар группасини тузиш, имкони борича уларни ёшлардан танлаб Орёлга жўнатиш кўзда тутиляпти. Улар бу ерда йиғувчилик касбини эгаллаб қайтадилар. Соатсозликка ихтисослашган мутахассислар бизга жуда ҳам зарур. Ахир коллективимиз зиммасига мураккаб ва масъулиятли вазифалар юклаган. Корхонанинг биринчи навбати ишга тушиши биланоқ 1—1,5 миллион сўмликка яқин 50 мингдан кўпроқ соат ишлаб чиқарилади. Корхона тахминан 2,5 минг квадрат метр территорияни эгаллайди.

— Корхонага жиҳозлар қаердан келтирилади? Уни ким бунёд этади?

— Корхона қурилиши учун зарур бўлган калориферлар, сантехника ва бошқа хил жиҳозлар, мосламаларни «Ҳзглавснаб» етказиб беради. Албатта қурилиш ишларининг суръати таъминотчиларнинг оператив иш бажаришларига боғлиқ.

Станоклар, аниқ приборлар, бошқа ишлаб чиқариш жиҳозлари Орёлдан — бош корхонадан келтирилади.

Заводимизни Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги 6-трестининг 127-механизациялашган кўчма колоннаси барпо этади. Ўйлаймизки, қурувчилар барча ишларни фақат белгиланган муддатдагина эмас, балки юксак сифат билан бажарадилар.

Суҳбатни И. АЛИМОВ олиб борди.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШДИ

Тошкент трактор заводининг Ленинск филиалида прицеплар ишлаб чиқариладиган асосий корпус монтаж қилина бошланди. 162-трестга қарашли 10-механизациялашган кўчма колоннанинг коллективи шу йилнёқ бош корпусининг 40 минг квадрат метр саҳнини машина-ускуналар монтаж қилиниши учун топширмоқчи.

Бетон ишлари айниқса муваффақият билан олиб борилмоқда. Мўлжалдаги 13 минг куб метрдан 8 минг куб метр бетон ётқизиб бўлинди. Бу ишга Сирожиддин Маҳсумов билан Маҳмуд Зулунов бригадалари катта ҳисса қўшди. Улар ҳар куни нормани бир ярим баравар қилиб бажармоқдалар.

Ленинск филиали ҳар йили пахта ташийдиган 60 мингта прицеп тайёрлаб беради. Механизациялашган кўчма колонна коллективи келаси йилнёқ 15 мингта прицеп ишлаб чиқара оладиган қувватларни ишга солишни мўлжаллаб қўйди. Филиални беш йиллик охирида қуриб битказиш белгиланган.

(ЎзТАГ).

БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Тошкент қурилиш Бош бошқармасининг 1-уйсозлик комбинатига қарашли 31-қурилиш бошқармасининг азамат бинокорлари шу кунларда пойтахтимизнинг 4-Сергели микрорайонида 80 квартирали турар жой биносини бунёд этишмоқда.

Бу тўрт қаватли уйжой биносида қурувчилар ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бунёдкорларнинг жонкуярлиги, ишга масъулият билан қараши туфайли коллектив план топшириқларини доимо муддатидан олдин бажаришга эришмоқда. Ўзаро социалистик мусобақани кенг қизитиб юборган аҳил коллектив доимо илғорликка эришиб келяпти.

Жонкуяр коллектив шаҳримизнинг турли районларида кўплаб кўркам, осмонўпар уйжойларни қуриб, ҳамшаҳарларимизга тухфа этмоқда.

БУГУН

Бинокорлар уй-жой биносида пардозлаш ишларини амалга оширишга киришдилар.

СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилган қурувчилар янада унумли ва сифатли меҳнат қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорлари—ҳаётга!

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА —

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТАДИ

Тошкент ёғ-мой комбинатида СССР-нинг Озиқ-овқат программаси муносабати билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича оширилган социалистик мажбуриятларни бажариш мақсадида ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича тадбирлар белгиланяпти. Автоклав цехида мойни гидрогенизация қилишнинг узлуксиз жараёнини автоматлаштиришнинг янги схемаси яратиляпти. Рафинация цехида ёғни рафинация қилиш бўйича янги линия монтаж қилинянти. Бу тадбирларни амалга ошириш корхонага маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар ошириш имконини беради.

Маргарин цехида янги «Солнечний», «Радуга» ва «Городское» маргаринларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун корхона реконструкция қилинди, совутиш, компрессор цехларининг қуввати оширилди. Бу ишлар асосан тугалланяпти, эндиликда барча цехларни зарур совуқлик билан таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин бўлади.

Тошкент ёғ-мой комбинати республикадаги турли хил озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқараётган ягона корхонадир. Бу ерда олти хилдан ортиқ майонез, бир неча хил озиқ-овқат мойи ишлаб чиқарилянти. Бир неча хил ўсимлик мойи, бундан ташқари чорвачилик учун омухта ем тайёрланади.

Ўн биринчи — беш йилликнинг иккинчи йилида комбинатда 67 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Ушбу суратларда комбинатнинг илғорлари (чапдан-ўнгга) ўсимлик мойини қадоқлаш линияси ишчиси Ҳалима Радзивлюк, смена мастери Шуҳрат Дадажонов, аппаратчи Дилбар Ўринбоеваларни кўриб турибсиз.

В. Сироткин фотолари.

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Тошкент экскаватор-ремонт-механика заводи меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларидан руҳланган ҳолда, СССР 60 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Юбилей вахтасида корхонанинг 7 цех, 4 участка, 650 ишчиси актив иштирок этмоқда. Халқ хўжалигига кўплаб чўл ва янги ерларни ўзлаштираётган хўжаликлар учун мелиорация ишларида кенг қўлланиладиган дизель насослар, канал қазувчи техника ҳамда механизаторларга мўлжалланган турар жой вагонлари етказиб бераётган корхонанинг аҳил коллективи янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўтган ярим йилнинг ўзида корхонада пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот 6 миллион 400 минг сўмликдан ошиб кетди. Меҳнат унумдорлиги 103,2 процентга ўсди.

Социалистик мусобақада мана 15 ҳафтадирки, 2-цех пешқадамлик қилиб келмоқда. Қуювчи М. Камолиддинов, металл қирқувчи З. Зарипов, термист Н. Хуснидинов, чарҳловчи А. Петров, слесарлар бригадасининг бошлиғи В. Кулагинлар кундлик нормаларини ортиғи билан адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Ватанимиз шонли юбилейини муносиб кутиб олиш учун кўтаринки руҳда меҳнат қилаётган корхона коллективи ҳаммаси бўлиб йил охиригача пландан ташқари 275 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олган.

И. ФАТТОХОВ.

Республика бўйлаб

«Даргом» канали соҳилида Самарқанд химия заводининг профилакторийси қурилди. Бу ерда бир йил ичида 1400 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз соғлигини мустаҳкамлаб олиши мумкин. Кўп болали оналарга, уруш ва меҳнат ветеранларига, ишлаб чиқариш илғорларига путёвкаларнинг 20 проценти бепул берилмоқда.

∴ ∴ ∴

Янгиқўрғонда очилган техникум мутахассис боғбонлар, сабзавоткор ва чорвадорлар тайёрлайди. Техникум учун бу ерда икки қаватли ётоқхона ва ошхона қурилди, спорт майдончаси очилди. Шу ўқув йилида янги қишлоқ хўжалик техникуми Наманган область мактабларидан 200 йигит ва қизни қабул қилади.

∴ ∴ ∴

Ангрен мактабларининг ўқувчилари «Ғарам» операциясини ниҳоясига етказдилар. Улар дастлабки баҳор кунларидаёқ ҳашак тайёрловчи отрядлар тузиб, боғлар, даштлар, дала чеккалари, йўл ва каналлар бўйидаги ўтларни ўриб олдилар. Шаҳарнинг ёрдамчи хўжаликлари учун ўнлаб тонна беда тайёрланди.

* * *

Бахмал районида 3 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишга тушди. Мактаб ўқувчилари бу ерда 8 та қишлоқ хўжалик мутахассислигидан бирини ўзлаштира оладилар. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида шу ихтисосларни ўрганиш кабинетлари тузилди.

∴ ∴ ∴

Чустда 320 ўринли болалар боғчаси очилди. Бу — ўн биринчи беш йилликда Наманган областида ишга туширилган 35-мактабгача ёшдаги болалар муассасасидир. Областда жами 650 та болалар боғчаси ва яслиси ишлаб турибди. Буларда шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткашларнинг саксон беш мингдан кўпроқ болалари тарбияланмоқда.

* * *

Навоий ГРЭСи ошхоналарида ва болалар боғчаларида сабзавотдан тайёрланган таомлар тури кўпайиб бормоқда. ГРЭСга яқин жойда қурилган теплицада бодринг ва помидор, картошка ва майда ошқовоқлардан дастлабки ҳосил олинди. Шу ернинг ўзида лимонзор барпо этилмоқда. Келгуси йилдаёқ лимонзор энергетиклар дастурхонига витаминга бой мева беради.

(ЎзТАГ).

• Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ОЗОДАЛИККА ВА ОБОДОНЧИЛИККА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Ё. ЕҚУБЖОНОВА раислигида санитария ободончилиги бўйича шаҳар штабининг кўчма мажлиси бўлиб ўтди. Унда пойтахтнинг Ленин районида озодалик ва тартибни сақлаш масалалари қараб чиқилди.

Сўнгги йилларда район чиройи янада гўзаллашиб, янги турар жой микрорайонлари бунёд этилди, катта ободонлаштириш ишлари бажарилди, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди штаб мажлисида сўзга чиққан район ижроия комитетининг раиси Т. Ҳайдаров. Салор канали соҳиллари ҳам ўзгариб бораяпти. Бу ердаги эски бинолар бузиб ташланди, санитария ҳолати яхшиланди. «Гордорстройремонт» трестининг нефтни қайта ишлайдиган цехининг турар жой районларидан ташқарига кўчирилиши туфайли атмосфера ҳавоси ва ирригация тармоқлари тоза бўлди.

Тозалаш иншоотлари қурилиши ва реконструкцияси бўйича кўпгина тадбирлар амалга оширилишига қарамай атроф-муҳитни муҳофаза этиш масалалари ҳали кўнгилдагидек эмас. «Средазэлектроаг п а р а т» бирлашмаси, «Ташхимсельмаш» заводи, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг вагон ремонт заводи сингари йирик корхоналарда ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш керак.

Санитария нормаларига риоя қилиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Ўтказилган текширув шуни кўрсатдики, уй-жой фондларини сақлашда ҳали кўпгина нуқсонлар бор. 6 ва 10-уйларнинг (Кафанов —Титов кўчалари), 18, 20-уйларнинг (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги массиви), 49, 50-уйларнинг (4-Қўйлиқ массиви) ертўлалари мунтазам равишда сув билан тўла бўлади. Бу нарса пашша, чивинларнинг кўпайишига, инженерлик иншоотларининг ишдан чиқишига олиб келади. Турар жой ташкилотлари бу нуқсонларга аллақачоқ барҳам бериши керак эди. Санитария ободончилиги бўйича шаҳар штаби уй-жой ишлаб чиқариши эксплуатация ўрести бошқарувчиси М. Отақуловни қаттиқ огоҳлантириб, анти санитария фактларига йўл қўймаслик ва бунга ўн кун ичида барҳам беришни таклиф этди.

57-болалар боғчасида ҳам санитария нормалари бузилаётганлиги фактлари очиб ташланди. Идиш-товоқларни марказлашган усулда ювиш ишлари тугалланмаган, группаларда сўпириш-сидириш ишлари пала-партиш қилинади, озиқ-овқат блокида канализация бузуқ. Бу — санитария-эпидемиоло г и я хизмати ходимлари аниқлаган нуқсонларнинг бир қисмидир холос. Республика геология министрлигининг 1-ишчилар таъминоти бўлимига қарашли ошхонасида ҳам ободалик унутилган. Бир неча йил мобайнида бу ерда жорий ремонт ишлари бажарилмайди, девор сувоқлари тушиб кетмоқда. 84 ва 88-сартароҳшоналарда ҳам кўпгина нуқсонлар мавжуд.

Шаҳар штаби ободагарчиликни унутган кишиларни жазолади, район корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарларига бундан кейин ана шундай фактларнинг содир бўлмаслигига қаратилган зарур тадбирларни белгилашни таклиф этди.

ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 27 июль (ТАСС). Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев «Салют-7» орбитал станцияси ичида ишлаётганларига 75 кун бўлди.

Бугун куннинг кўп қисми станция системалари ва агрегатлари ишлашини текшириб кўришга, унинг ичидаги техник ҳужжатлар билан ишлашга ажратилган.

Экипажнинг докладларига кўра, учиш программаси муваффақиятли бажарилмоқда.

Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК УСТАХОНАСИДА

ШАРҚ АЁЛИ СИЙМОСИ

БУГУН

Тошкент ҳайкалтаршлик тажриба комбинатида «Озод бўлган Шарқ аёли» монументи тайёрланмоқда.

Монументни архитектор Я. Афанасьев, ҳайкалтаршлар Л. Рябцев, В. Луневлар яратишди. Бронзадан ишланаётган монументнинг бўйи беш метр бўлиб, у бу йил Хадра майдонидаги Цирк яқинига ўрнатилади.

Комбинат ҳар йили республикамиз область ва шаҳарлари учун ёдгорликлар, монументлар етказиб бермоқда. Айни кунларда комбинат аҳли СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ниятида бир қанча ёдгорлиқ ва монументлар устида иш олиб бормоқда. Бу ёдгорликларда Октябрь революцияси комиссарлари, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, халқ фарзандларининг ёрқин сиймоси ўз акси топади.

Қардошлик қонунига биноан

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Мана бир ойдирки, Ўзбекистоннинг сўлим оромгоҳлари, тоғ ёнбағирлари, хушҳаво водийларида жойлашган пионер лагерлари афгонистонлик пионер ва мактаб ўқувчилари билан гавжум бўлди. Қўшни мамлакат фарзандлари Ўзбекистон диёридаги «Гулистон», «Дорожник», «Тюленин», «Мир» ва бошқа пионер лагерларида илиқ кутиб олинди. Уларнинг ёзни мароқли ўтказишлари, юртимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Афғонистонлик ёшлар ўз каникулларини кўнгилли ўтказиш билан бирга совет ёшлари билан яқиндан танишиб дўстлашдилар. Хушҳаво оромгоҳлардаги ҳар бир кун афғон болалари учун сермазмун ўтди.

Пойтахтимиз аэропортидан шаҳримиз атрофидаги пионер лагерларида дам олган 600 афғон болалари ўз ватанига жўнаб кетишди.

— Аэропортда афғон ёшлари ҳузурида шаҳар маданият бошқармасининг бадиий коллективлари қизиқарли концерт программаси қўйиб беришди, — дейди бошқарма катта инспектори В. Ткачук. Охунбобоев номли маданият уйининг рақс ансамбли, Тошкент зоопаркининг жониворлар театри, Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги номли маданият уйининг духовой оркестри, Пушкин номли маданият ва истироҳат боғининг карнайчи-сурнайчила р и қўшни мамлакат ўғил-қизларини ўйин-кулги, музика ва ашулалар билан қузатиб қўйишди. Қардошлик қонунига биноан юртимиз оромгоҳларида дам олган афғонистонлик ёшлар халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларининг нақадар буюк куч эканлигидан мамнун бўлиб ўз ватанларига жўнаб кетишди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Қўпол аралашув

Ҳиндистоннинг кенг жамоатчилиги ғарб давлатлари, аввало, АҚШ Ҳиндистоннинг ички ишларига қўпол аралашаётганлигини кескин кораламоқда. Мамлакат президенти Заил Сингх якинда уқтириб ўтганидек, Ҳиндистоннинг бир қанча азалий территорияларини ундан ажратиб олиш учун кураш-шаётган ички қўпорувчи кучлар билан баъзи ажнабий давлатлар ўртасида бевосита алоқа мавжуддир.

Матбуот янги президентнинг ана шу гапини шарҳлаб, Ҳиндистонга қарши фитнага АҚШ Марказий разведка бошқармаси бошчилик қилаётганлигини тўғридан-тўғри ёзади. Айни Америка агентураси Ҳиндистоннинг Панжоб штатидаги ва мамлакатнинг шимоли-шарқий районларидаги сепаратчилик ишларини йўллаб турибди.

Махсус лагерларда тайёрланган каллакесарлар Ҳиндистоннинг Покистон билан чегарадош Панжоб штатига сиёсий ва жамоат арбобларини ўлдириш, кўпорувчилик хуружларини қилиш, диний жамоа тўқнашувларини чиқариш учун юборилмоқда.

Шу нарса маълум бўлдики, кейинги вақтларда Марказий разведка бошқармаси Ҳиндистонни АҚШнинг жосуслик мақкамаси ўз ишини кескин активлаштириш ниятида бўлган дунёдаги биринчи ўнта мамлакат каторига қўшиб қўйди. Ҳиндистон матбуотининг ёзишича, Марказий разведка бошқармасининг мақсади —«Индира Ганди ҳукуматини ағдариб ташлашдан ва Садат режими типидаги режимнинг ҳокимият тепасига келишига эришишдан» иборатдир.

Кўп нарса шундай план ҳақиқатан ҳам мавжудлигидан далолат бериб турибди. Чет элларда машъум «Холистон» ҳукумати ва армиясини — қўғирчоқ давлатни вужудга келтириш йўлидаги уринишлар ҳам шулар жумласидандир. АҚШ ва Покистоннинг махсус хизмат мақкамалари Ҳиндистоннинг Панжоб, Ражастон ҳамда Жамму ва Кашмир штатлари ҳисобига ана шу қўғирчоқ давлатни ташкил этмоқчилар. Қўшма Штатлар Ҳиндистоннинг шимолий-шарқида ва, аввало, Ассом штатида сепаратчилик ҳаракатини авж олдираётганлиги иккинчи бир далилдир. Ҳиндистон ички ишлар давлат министри Н. Р. Ласкар куни кеча парламентда маълум қилганидек, миллатчи гуруҳлар авж олдирган жабр-зулм кампаниясининг икки йили мобайнида ана шу штатда 334 киши экстремистларнинг қурбонлари бўлди. Миллатчилар — Марказий разведка бошқармаси агентларининг саботажлари натижасида Ассом нефть саноатининг ўзигина салкам 13 миллиард рупий зарар кўрди.

Деҳлида ўтаётган парламент сессиясида Вашингтоннинг ошкора қўпорувчилик фаолияти муҳокама қилинди. Ҳукмрон Ҳиндистон Миллий конгресси партиясидан сайланган депутат Сантош Мохан Дев парламентда сўзга чиқиб, ана шу хатарли кирдикорларга чек қўйилишини талаб қилди. У Қўшма Штатлар Ҳиндистон суверенитети ва территориал бутунлигига қарши қўпорувчилик хуружларига Хитойнинг махсус хизмат мақкамаларини кенг жалб этаётганлигини уқтирди.

Ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао парламент аъзоларининг сўровларига жавоб қайтариб, Ҳиндистон ҳукумати АҚШ махсус хизмат мақкамаларининг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб турибди, деб ишонтирди.

В. ЧЕХОНИН, ТАСС шарҳчиси.

Озиқ-овқат программаси белгилаб берган йўлдан

ЯШИЛ КОНВЕЙЕР АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

Серқуёш Ўзбекистон тупроғи саҳий. Боғлар ва далаларда кўплаб миқдорда турли сабзавот ва мевалар, бошқа маҳсулотлар пишиб етилади. Вазифа ана шу дала неъматларини ўз вақтида ҳамда исрофгарчиликсиз магазинларга, истеъмолчиларга ташиб келишдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида сўзга чиқиб шундай деган эди: «Ҳар бир районда, ҳар бир областда, ҳар бир республикада нобудгарчиликка қарши кураш, тайёрлов, транспорт ва савдо ташкилотларининг узлуксиз ишлаши юзасидан тадбирларнинг аниқ системаси ўйлаб кўрилиб, амалга оширилиши керак. Дала билан магазин ўртасидаги алоқалар қанчалик қисқа, қанчалик жўн бўлса, иш учун, истеъмолчи учун шунчалик соз бўлади». Халқ депутатлари район Советининг ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси ва «Ташплодоовощ» бирлашмаси Озиқ-овқат программасини ҳаётга тадбиқ эта бориб, Тошкент аҳолисини сабзавот ва картошка билан таъминлаш бўйича маълум ишларни амалга оширишди. Жумладан, биринчи ярим йилликда шундай маҳсулотларни тайёрлаш ва реализациялаш плани 100,7 процентга бажарилди. Демак, шаҳарликларга 19 минг 252 тонна сабзавот ва картошка етказиб берилди.

Бир қанча савдо корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишнинг истиқболли формаси — ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули жорий этилган. Сабзавот ва картошка сотиш бўйича савдо тармоқлари кенгайтирилган. Ҳозир фақат савдо Бош бошқармаси ихтиёридаги озиқ-овқат магазинларида 250 та мева-сабзавот бўлимлари ҳамда юзга яқин алоҳида дўкон ва палаткалар бор. «Ташплодоовощ» бирлашмаси эса 127 та магазин ва 57 та павильон билан палаткага эга. Бундан ташқари мева-сабзавот маҳсулотлари сотишни яхшилаш мақсадида шаҳар бозорлари ва кўчаларида, шунингдек, саноат корхоналари яқинида майда чакана савдо тармоқлари бўлиб, бунга 13 та сабзавот ярмаркаси ҳам киради.

Бироқ, ана шу муҳим ишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Айрим турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш плани ярим йилликда бажарилмай қолди. Жумладан, планга нисбатан 2245 тонна карам, 1286 тонна помидор, 1052 тонна пиёз, 5483 тонна картошка тайёрланмади.

Шаҳар савдо тармоқларини дала неъматлари билан асосан пойтахт областининг Тошкент, Калинин ва Орржоникидзе районлари, шунингдек, Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг бўлинмалари таъминлайди. Лекин савдо корхоналари хўжаликлардан белгиланган миқдордаги сабзавот билан картошкани ўз вақтида олишмаяпти. Масалан, Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхозидан 160 тонна, Ленин номли колхозидан 174 тонна, «Ленин йўли» колхозидан 394 тонна, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозидан 211 тонна нуш пиёз олинмай қолди. Карл Маркс, Собир Раҳимов, Ленин номли ва «Ленин йўли» колхозларидан сабзи тўла олинмади. Айрим хўжаликлар бўйича карам ҳамда бошқа турдаги айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлар олинмай қолди.

Айрим улгуржи-чакана савдо идоралари биринчи ярим йилликда сабзавот тайёрлаш планини бажаришмади. Жумладан, Киров район улгуржи-чакана савдо идораси (директор вазифасини бажарувчи Машурьян) карам, пиёз, помидор, картошка тайёрлаш топшириғини, Ҳамза район улгуржи-чакана савдо идораси (директори Ғозиев) юқорида ги маҳсулотларга қўшимча сабзи тайёрлаш топшириғини, Куйбишев район улгуржи-чакана савдо идораси (директори Қодиров) эса карам, пиёз ва помидор сотиш бўйича топшириқ бажарилишни таъминлашмади. Куйбишев район улгуржи-чакана савдо идораси «Ташплодоовощторг»нинг рухсатисиз амалдаги тартибни бузган ҳолда Чимкент тайёрлов идорасига 16 тонна карташка ўтказган. Тайёрлов планининг бажарилмаслиги, савдонинг ёмон ташкил этилганлиги оқибатида Киров ва Ҳамза районлари улгуржи-чакана савдо идоралари 1982 йилнинг биринчи ярим йиллиги товар оборот планини бажаришмади.

Буларнинг ҳаммаси айрим турдаги сабзавот билан картошка сотиш катта узилишлар билан амалга оширилганлиги сабабли дир. Халқ назоратчири қўпгина савдо дўконларининг ишини текширишди. Маълум бўлишича текшириш ўтказилган куни «Ташплодоовощ» бирлашмасининг 68 та магазинидан 52 тасида помидор, 48 тасида сабзи, 43 тасида лавлаги сотувда йўқ эди. Юқоридаги барча магазинларда картошка ҳам йўқ экан. Назоратчилар бундай аҳволга райпишчетторгларнинг 64 та текширилган корхоналарида ҳам дуч келишди.

Магазинларда сотилаётган дала неъматларининг сифати паст эканлиги кишини ташвишга солади. Сабзавотлар сараланмайди, улар савдога ифлос ва чириган ҳолда олиб келинади, кўпинча маҳсулот давлат стандартлари талабларига жавоб бермайди.

Магазинларда сотилаётган сабзавот ва картошканинг камчиллиги ва сифати пастлиги, бозорларда ана шу маҳсулотлар нархининг юқори бўлиб қолишига сабаб бўляпти, албатта.

Агар бозорлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда ҳам кўпгина жиддий камчиликлар аниқланди. Колхоз бозорлари (бозорлар бошқармаси директори Қозоқхонов)нинг кўпчилиги колхоз ва совхозлар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузмаган, деярли барча бозорларда савдо жойлари етишмайди. Бунинг оқибатида колхозчиларнинг бир қисми ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри йўлга қўйиб, антисанитария шароитида сотишга мажбур. Тарозилар, махсус инвентарлар етишмайди.

Бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилиши ҳамда нархи ҳолатини назорат қилиши керак бўлган район ижроия комитетлари томонидан тасдиқланган жамоатчилик комиссиялари ташаббускорлик кўрсатишмаяпти. Натижада турли сотувчилар маҳсулотларни ҳар хил баҳода сотишяпти. Чайқовчилар ва олибсотарларга қарши кураш суст олиб бориляпти.

Бозорлардаги «Ташгоркоопторг»га, улгуржи-чакана савдо идораларига қарашли сабзавот, мева ва карташка билан савдо қилувчи магазинлар, дўконлар ҳамда павильонлар хусусий савдодаги нархларни пасайтириш учун сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари ва сифати намунали бўлишини таъминламаяпти. Чунки буларда сотилаётган маҳсулот сифати жуда паст бўлиб, товар кўринишига эга эмас. Қатор савдо дўконларида, айниқса «Ташгоркоопторг»га қарашлиларида фақат вино ва консерваланган меваолар билан савдо қилинмоқда. Бундай савдо дўконлари кимга керак деган савол туғилади.

Госпиталь бозори (директори Х. Ориповов) Тошкентдаги энг йирик бозорлардан бири эди. Юқоридаги барча магазинларда картошка ҳам йўқ экан. Назоратчилар бундай аҳволга райпишчетторгларнинг 64 та текширилган корхоналарида ҳам дуч келишди.

Магазинларда сотилаётган дала неъматларининг сифати паст эканлиги кишини ташвишга солади. Сабзавотлар сараланмайди, улар савдога ифлос ва чириган ҳолда олиб келинади, кўпинча маҳсулот давлат стандартлари талабларига жавоб бермайди.

Магазинларда сотилаётган сабзавот ва картошканинг камчиллиги ва сифати пастлиги, бозорларда ана шу маҳсулотлар нархининг юқори бўлиб қолишига сабаб бўляпти, албатта.

Агар бозорлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда ҳам кўпгина жиддий камчиликлар аниқланди. Колхоз бозорлари (бозорлар бошқармаси директори Қозоқхонов)нинг кўпчилиги колхоз ва совхозлар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузмаган, деярли барча бозорларда савдо жойлари етишмайди. Бунинг оқибатида колхозчиларнинг бир қисми ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри йўлга қўйиб, антисанитария шароитида сотишга мажбур. Тарозилар, махсус инвентарлар етишмайди.

Бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилиши ҳамда нархи ҳолатини назорат қилиши керак бўлган район ижроия комитетлари томонидан тасдиқланган жамоатчилик комиссиялари ташаббускорлик кўрсатишмаяпти. Натижада турли сотувчилар маҳсулотларни ҳар хил баҳода сотишяпти. Чайқовчилар ва олибсотарларга қарши кураш суст олиб бориляпти.

Бозорлардаги «Ташгоркоопторг»га, улгуржи-чакана савдо идораларига қарашли сабзавот, мева ва карташка билан савдо қилувчи магазинлар, дўконлар ҳамда павильонлар хусусий савдодаги нархларни пасайтириш учун сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари ва сифати намунали бўлишини таъминламаяпти. Чунки буларда сотилаётган маҳсулот сифати жуда паст бўлиб, товар кўринишига эга эмас. Қатор савдо дўконларида, айниқса «Ташгоркоопторг»га қарашлиларида фақат вино ва консерваланган меваолар билан савдо қилинмоқда. Бундай савдо дўконлари кимга керак деган савол туғилади.

Госпиталь бозори (директори Х. Ориповов) Тошкентдаги энг йирик бозорлардан бири эди. Юқоридаги барча магазинларда картошка ҳам йўқ экан. Назоратчилар бундай аҳволга райпишчетторгларнинг 64 та текширилган корхоналарида ҳам дуч келишди.

Магазинларда сотилаётган дала неъматларининг сифати паст эканлиги кишини ташвишга солади. Сабзавотлар сараланмайди, улар савдога ифлос ва чириган ҳолда олиб келинади, кўпинча маҳсулот давлат стандартлари талабларига жавоб бермайди.

Магазинларда сотилаётган сабзавот ва картошканинг камчиллиги ва сифати пастлиги, бозорларда ана шу маҳсулотлар нархининг юқори бўлиб қолишига сабаб бўляпти, албатта.

Агар бозорлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу ерда ҳам кўпгина жиддий камчиликлар аниқланди. Колхоз бозорлари (бозорлар бошқармаси директори Қозоқхонов)нинг кўпчилиги колхоз ва совхозлар билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича шартномалар тузмаган, деярли барча бозорларда савдо жойлари етишмайди. Бунинг оқибатида колхозчиларнинг бир қисми ўз маҳсулотини тўғридан-тўғри йўлга қўйиб, антисанитария шароитида сотишга мажбур. Тарозилар, махсус инвентарлар етишмайди.

Бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилиши ҳамда нархи ҳолатини назорат қилиши керак бўлган район ижроия комитетлари томонидан тасдиқланган жамоатчилик комиссиялари ташаббускорлик кўрсатишмаяпти. Натижада турли сотувчилар маҳсулотларни ҳар хил баҳода сотишяпти. Чайқовчилар ва олибсотарларга қарши кураш суст олиб бориляпти.

Бозорлардаги «Ташгоркоопторг»га, улгуржи-чакана савдо идораларига қарашли сабзавот, мева ва карташка билан савдо қилувчи магазинлар, дўконлар ҳамда павильонлар хусусий савдодаги нархларни пасайтириш учун сотилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари ва сифати намунали бўлишини таъминламаяпти. Чунки буларда сотилаётган маҳсулот сифати жуда паст бўлиб, товар кўринишига эга эмас. Қатор савдо дўконларида, айниқса «Ташгоркоопторг»га қарашлиларида фақат вино ва консерваланган меваолар билан савдо қилинмоқда. Бундай савдо дўконлари кимга керак деган савол туғилади.

Госпиталь бозори (директори Х. Ориповов) Тошкентдаги энг йирик бозорлардан бири

Тошкент тепловоз депоси техника хизмати кўрсатиш пунктининг халқ контроли группаси фаоллик кўрсатиб ишламоқда. Группа аъзолари ремонт сифати, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи, электр энергияси ҳамда жиҳозларни тежаш бўйича ой сайин рейд ва текширишлар ўтказишади. Шу туфайли ўн мингдаб сўмлик ёқилғи-хом ашё ресурслари тежаб қолинмоқда.

СУРАТДА: халқ назоратчилари группаси аъзоси ремонтчи-слесарь Виктор Егоров (ўртада) ёш слесарлар Давлат Неъматжонов билан Рафиқ Ҳамидовнинг иш сифатини текширяпти.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЖАЛҚ КОНТРОЛИ

• *Жойлардан хабарлар*

БЕФАРҚ ҚАРАШМАЙДИ

Халқ назоратчилари тепловоз депоси коллективига ёнилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилиш ва тежаш бўйича мажбуриятларни бажаришда салмоқли ёрдам кўрсатишяпти. Улар ўз кучларини ички резервларни излаб топишга йўналтиришмоқдалар, хўжасизлик кўринишларини очиб ташлашмоқда.

Цехлар ва участкалардаги группалар ва постлар уч юздан ортиқ назоратчини бирлаштиради. Айниқса, Анатолий Федорович Носенко бошчилигидаги группа энг кучли ҳисобланади. Ҳар бир литр ёқилғига, эҳтиёт қисмларга тежамкорлик билан муносабатда бўлиш, социалистик мулкни сақлаш масалалари группанинг диққат марказида туради.

Халқ назоратчилари самарали фаолиятнинг натижаларини йил бошидан бери тежалган юзлаб тонна ёқилғи, планга қўшимча ташилган беш миллион тонна турли юклар, қайта тикланган ва кейин қўлланилган юзлаб деталларда кўриш мумкин.

Депо халқ назоратчиларининг иш тажрибаси яқинда район халқ контроли комитети томонидан маъқулланди ҳамда группа ва постларда кенг ёйишга тавсия этилди.

Н. УСМОНОВ.

ВАГОНЛАР ТУРИБ ҚОЛМАЯПТИ

Электрон-техника заводининг халқ контроли группа ва постлари темирйўл вагонларидан юкларини ўз вақтида тушириб олиш, ҳамда юк ортилишини назорат этишни кучайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишди. Тадбирларда, жумладан транспорт цехларида иш шароитини яхшилаш, юк ортиш-туширишда механизмларидан самарали фойдаланиш, янги юқори унумли техникани жорий этиш ва эскиларини алмаштириш кўзда тутилган.

Кўзда тутилган ишларнинг бир қисми амалга оширилиши туфайли самарали натижаларга эришилди: транспорт цехлари кадрлар билан таъминланди, вагонларнинг юк ортиш-туширишда пайтида бўш туриб қолиши деярли икки марта қисқарди. Йил бошидан бери корхона бухгалтерияси сида бирорта жарима санкцияси тушгани йўқ.

Назоратчилар заводда вагонларга металл ҳамда қоғоз ортиш учун мўлжалланган эстакада қурилишини, шунингдек вагонлардан хориждан келтирилган жиҳозларнинг тушириб олишишини қаттиқ назорат остига олишган.

У. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
электрон-техника заводи халқ контроли бош группаси раиси.

Дастгоҳлар тўла қувват билан ишласин

ХЎЖАСИЗЛИК ОҚИБАТИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИ ВА ШАҲАР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РЕЙДИ

«Узстройиндустрия»нинг 1-тажриба эксперименталь-механика заводи. Йил бошида бу ерда Куйбишев райони халқ контроли назоратчилари текшириш актида шундай деб қайд этишган эди: «Завод ҳовлисида очиқ ҳавода 50 га яқин технологик ускуналар занг босиб ётибди. Бу ускуналар 1979 йилдаёқ бунёд этилаётган қуюв цехи учун олинган эди. Уларнинг умумий қиймати 220 минг сўмдан ошади».

Мана бир неча ой ўтгач, «Тошкент оқшоми» газетаси ва шаҳар халқ контроли комитети текшириш ўтказишга қарор қилди: қани корхонада янги техникани сақлашда аҳвол ўзгардимикин ёки йўқмикин! Айни вақтда ишлаб турган дастгоҳлардан тўла фойдаланиляптими ёки йўқми!

...Механика цехи ишлаб чиқариши билан таниша бошладик. Эътиборимизни катта токарлик-деталь қирқиш дастгоҳи тортди. У ишлаб турибди. Лекин ҳеч ким унда деталга ишлов бераётгани йўқ. Дастгоҳ ёнида ишчининг ўзи йўқ эди. Токарь А. Тоиповнинг қаёққа кетганлиги номаълум эди. Бу ерда ишлаётган бошқа ишчилар буни айтиб беришолмади. Биз ҳамроҳимиз — корхона бош инженери В. Плотниковга электр энергияси бекорга сарф бўлаётганини айтдик. У елкасини қисиб қўя қолди. Чамаси энергетика ресурсларини тежаш бўйича коллектив ўртасида етарлича тушунтириш ишлари олиб борилмаган кўринади.

Биз корхонада бўлган куни механика цехида олтита фрезерлик ва ўн бешта токарлик дастгоҳлари бекор турган эди. В. Плотниковнинг изоҳлашича, уларнинг кўпчилиги ишчи кучи етишмаганидан бўш турганмиш.

Ҳақиқатан шундаймикан? Тўғри, ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан заводда ишчи кучи бироз камайган. Лекин барибир ишчилар сони штатдаги жадвалдан кўпроқ эди. Бунинг устига малакали ишчилар, меҳнат ветеранлари ҳам борки, улар бир эмас, бир нечта дастгоҳга хизмат кўрсатишарди.

Яна бир ҳол кишини ажаблантиради. Бу ерда машина парки ўз вақтида капитал ремонт қилинмаяпти. Масалан, апрель ойида 6 дастгоҳни капитал ремонт қилиш кўзда тутилган бўлса, бор-йўғи учтаси ремонт қилинди. Январь-май ойлари капитал ремонт қилиш плани эса бор-йўғи 82.6 процент адо этилди. Профилактик ремонтга ҳам бу ерда етарлича эътибор берилмаган.

Механика, асбобсозлик ва йиғув цехларида дастгоҳлардан тўла қувват билан фойдаланилмаяпти. Тўғри, заводнинг экспериментал характерга эга эканлигини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Бу ерда айрим дастгоҳлар бекор турибди. Негаки, у ёки бу буюмни тайёрлаш учун қурувчилардан ҳамиша ҳам буюртма келавермайди. Ички имкониятлардан, техникадан тўлароқ фойдаланишга қаратилган рационализатор л и к ишлари ҳам суст. Масалан, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга техникани мослаштиришни олиб кўрайлик. Ҳолбуки, корхона бундай маҳсулотларни мутлақо ишлаб чиқармаётир.

Эски қуюв ишлаб чиқарилиши ёнида ўз ҳолига ташлаб қўйилган занглаб ётган вентиляция системаси эътиборимизни ўзига тортди. Бош инженер: «Бу мослама бир ҳафта илгари ремонт қилиш учун ўчириб қўйилган эди», деб баҳона қилди. Бироқ қуюв цехи бошлиғи В. Песчанский тўппа-тўғрисини айтиб қўя қолди: «Бу мослама ҳеч қачон ишлатилган эмас. Унинг камчиликлари бор. Умуман унга эҳтиёж ҳам йўқ. Негаки, цехда ишлаб турган бир неча вентиляция мосламалари бор. Тоза ҳаво яхши келиб туради».

Эски қуюв ишлаб чиқаришида иккита қолиплаш машинаси ҳам буюртма йўқлиги учун ишлатилмаяпти.

1977 йилдан буён тошбақа суръатлар билан қурилаётган янги қуюв цехи ҳақида нималар дейиш мумкин? Бош пудратчи — «Ташпромстрой» ҳар йили кўплаб капитал маблағларни ўзлаштирмаётир. Кейинги икки йил ичида объектда умуман иш олиб борилмади. Оқибатда объект қурилишига ажратилган 995 минг сўмдан 1982 йилнинг биринчи яварригача бор-йўғи 476 минг сўм маблағ ўзлаштирилди, холос. Цехни бу йил ишга тушириш мўлжалланган бўлса ҳам корхона раҳбарларида янги корпусда «уй тўйи» бўлишига ҳали тўла ишонч йўқ.

Ҳолбуки, цех СССР Қурилиш министрлигининг бир қатор машинасозлик заводлари учун муҳим аҳамиятга эгадир. У йилига бир неча минг тонна чўян қуйилмаси тайёрлаб беради. Бу эса чўян қуймасига бўлган эҳтиёжни ўзлари тўла қоплайди деган гап. Кооперация плани бўйича уларни жўнатиш янада кўпаяди. Ҳолбуки, бу план ҳам баъзан бажарилмаяпти.

Ҳозирги вақтда янги қуюв цехида дастгоҳларни монтаж қилиш ишлари бошланди. Лекин монтажчилар жуда оз. Дастгоҳларнинг бир қисми заводдан қандай юборилган бўлса шундай ҳолича очиқ ҳавода ётибди. Биз ҳовлида қолиплаш машинасини электр печни кўрдик.

Икки йилдан ошдики, қимматбаҳо технологик ускуналар қорёмғир остида қолиб занглаб ётибди. Бу механизмлар юргизилганда қандай ишлар экан, буёғи ҳали номаълум. Уларнинг устига ўз вақтида соябон ўрнатиш, яхшироқ сақлаш учун гамхўрлик қилиш шунчалик қийинми?

Очиғи ишга оқилона ёндошиш етишмаяпти бу ерда. Мана учинчи йилдирки, қуюв цехининг бир талай дастгоҳлари ҳовлида бўш ётибди. Агар улар ишга солинганда корхона учун қанчалик фойдали бўлур эди. Бу машиналар мамлакат халқ хўжалиги учун қанчалар катта фойда келтирарди!

Яна хўжасизлик ҳақида тўхталиб ўтамиз. Завод ҳовлисида катта металл идиш, компрессор мосламаси ётибди. Бош инженернинг гапига қараганда бу ишлаб чиқариш учун муҳим экан. Уни ремонт учун чиқариб ташлашган экан. Ремонт қилиш зарур бўлса, нега шу пайтгача ётибди? Хуллас, завод ҳовлиси ишлаб чиқариш чиқиндиларининг уюмини эслатади. Металл парчаларини сақлаш учун эса майдонча жиҳозланмаган. Технологик ускуналарни ремонт қилиш майдончаси жуда ёмон аҳволда. Ремонт цехининг бошлиғи А. Винокуров ишлаб чиқариш маданияти у ёқда турсин, моддий ресурсларни тежаб-тергашга ҳам етарлича эътибор бермаяпти.

Бу фактларнинг ҳаммаси корхонада тартиб-интизом йўқлигидан далолат беради. Коллектив ўз имкониятларини тўла ишга солмаяпти. Техника, моддий-хом ашё ресурсларининг катта резерви бор. Агар улардан оқилона фойдаланилса қурилиш индустрияси заводдан янада кўплаб турли металл конструкциялар ва бошқа дастгоҳ-ускуналар олган бўлардик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V Пленумида республиканинг барча меҳнат коллективлари олдига худди ана шундай вазифа қўйилди: «Меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни анча яхшилаш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини жадал ишга тушириш йўли билан саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстиришга эришилсин».

Б. КРИВИЦКИЙ,
шаҳар халқ контроли комитетининг халқ назоратчиси.
В. ЛАПИНА.
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Шаҳар халқ контроли комитети

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ УНУТИЛГАЧ

Шаҳар халқ контроли комитети гидрометеорология ва атроф-муҳитни назорат қилиш республика бошқармаси халқ контроли группасининг сигнали билан Тошкентнинг қатор корхоналарида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилишини текширди. Текшириш пайтида шаҳар саноат корхоналарида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар ҳали бўш олиб борилаётгани аниқланди. Жумладан, «Таштекстильмаш» заводида (директори Мангутов) атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишига масъул мансабдор шахс йўқ бўлиб, табиатни муҳофаза қилиш бўйича бўлимлар, группалар, секторлар тузилмаган. Атмосферани ифлослантирувчи 115 та манбадан 92 таси чанг-газ ютгич ускуналар билан жиҳозланган. 19-та газ-чанг ушлаб қолувчи ускуна носоз. Корхонада чанг-газ тозалаш ускуналаридан фойдаланиш хизмати, ана шу ускуналардан фойдаланиш бўйича инженер йўқ. атмосферага чиқарилаётган зарарли моддалар ҳисобга олинмайди ва назорат қилинмаяпти. Корхонада атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган тадбирлар изчил бажарилмаяпти.

Тошкент тепловозремонт заводида (директори Мартьянов) ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш иши бўйича масъул кишилар йўқ. Заводда зарарли моддалар ажратиб чиқарувчи 188 та манба бор. 45 та манба газ-чанг ютгич мосламалар билан жиҳозланган. Ишлаб турган чанг ютгич мосламалар эскирган бўлиб, қониқарсиз аҳволда сақланмоқда. Лаборатория ўлчовларига кўра 16 та газ-чанг ютгич мосламалардан тўрттаси фойдали иш коэффициенти 75—80 процент бўлиши ўрнига 12—19 процент билан ишлаяпти. Корхона территорияси ва санитария ҳимоя зонасидаги муҳитнинг ҳолати мунтазам назорат қилинмайди. Пўлат қуюв цехида умумий тортиш вентиляцияси йўқ, ҳайдаш вентиляцияси уланмаган, маҳаллий вентиляция системаси яхши ишламаяпти. Иш жойларидаги ҳавони лабораторияда текшириш натижалари чангланиш йўл қўйиладиган нормадан бирнеча марта ортиқлигини кўрсатди.

Тошкент экскаватор заводида (директори Маҳмудов) атмосферани ифлослантирувчи 55 та манба бўлиб, булардан фақат 23 таси газ-чанг ютгич мосламалар билан жиҳозланган. Атмосферага чиқариладиган чиқиндилар ҳажми соатига юзлаб кубометрни ташкил этади. Булардан ярмидан кўпи тозаланмасдан чиқариб юборилади. 23 та мосламанинг 8 тасидан самарасиз фойдаланилмоқда. Айниқса, пўлат қуюв ва аниқ қуюв цехларида ноқулай аҳвол вужудга келган. Мосламаларни планли равишда олдиндан ремонт қилиш графиги мунтазам бажарилмаяпти. Завод қошидаги лаборатория зарарли моддаларнинг ҳолатини кузатиб бормайди.

«Ташсельмаш» заводида (директори Новицкий) атмосферани ифлослантирувчи 58 та манба бўлиб, улардан 37 таси чанг-газ тозалаш мосламалари билан жиҳозланган, уларнинг орасида 29 таси носоз ва самарасиз ишлайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат йўқ.

Шаҳар халқ контроли комитети партия ва ҳукуматимизнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қарорларини бажармаганликлари учун юқорида айтилган корхоналарнинг раҳбарларига виговор эълон қилди ва уларга аниқланган камчиликларни шу йилнинг декабрь ойигача бартараф этишни топширди.

Район халқ контроли комитетларида

ГАЗНИ ТЕЖАБ САРФЛАЙЛИК

Собир Раҳимовликлар ўз районларини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган районга айлантириш учун курашни кучайтирмоқдалар. Ҳар бир киши фақат самарали ва сифатли ишлашга интилибгина қолмай, хом ашё, металл, ёқилғи, энергетика ресурсларини тежашга ҳам интилмоқда. Бу ишда меҳнат коллективларига халқ назоратчилари катта ёрдам кўрсатишяпти. Масалан, «Промэнерго» корхонаси назоратчиларининг таклифи билан «БО—25» типидаги қозонларда газ ёниш жараёнини автоматик бошқариб турадиган янада тежамлироқ янги мосламалар ўрнатилди. Фақат шу тадбирнинг ўзигина беш йиллик бошидан буён 5,5 миллион кубометрдан зиёд табиий газни тежаш имконини берди.

Керамзит заводида ҳам яхши ишлар амалга оширилди. Керамзит печларида газ ёниш жараёнини автоматлаштириш кейинги йилда 1 миллион кубометрга яқин табиий газни тежаб қолиш имконини берди.

Корхона назоратчилари иқтисод ва тежамкорлик бўйича тадбирлар қандай бажарилаётгани ҳақида жойларда текшириш ўтказиб, ресурслардан оқилона фойдаланишга ҳалақит берадиган сабабларни очиб ташладилар. Мавжуд нуқсонларга барҳам бериш юзасидан конкрет таклифлар киритдилар. Масалан, агрегат заводида текшириш ўтказилганда печлар иш самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар таклиф этилган эди. Уларнинг жорий этилиши коллективга ярим миллион кубометрдан зиёд табиий газни тежаб қолиш имконини берди.

Тажриба-п и л л а кашлик фабрикасининг қозонхонасида 1981 йилда газ мосламаларини тежамлироғига алмаштириш планлаштирилган эди. Табиий газни ортиқча исроф қилишга фабрикада қозонхонанинг янги мосламаси узоқ вақт ишга туширилмагани ҳам сабаб бўлди. Оқибатда бу ерда лимитда кўзда тутилганидан 90 минг кубометр кўп газ исроф қилинган. Газни тежаш бўйича тадбирлар ўз вақтида бажарилмагани учун ҳам ортиқча исрофгарчилик рўй берган. Бунинг учун фабриканинг бош инженери Т. Болтабоєва пул жаримаси солинди.

Ишчилар коллективлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ёқилғи-энергетика ва бошқа моддий ресурсларни иқтисод қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни кучайтириш тўғрисидаги қарорини амалга ошира бориб, кам моддий-техника воситалари сарф қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми планини бажариш учун курашни кучайтирмоқдалар. Беш йиллик жамғармаси бойиб бормоқда. «Ҳамма жойда, ҳар бир нарсани тежаб-тергаб сарфлайлик» шиори остида ўтаётган оммавий тежамкорлик кўриги жараёнида айтилган таклифлар тезда амалга оширилмоқда.

В. УРБАН,
Собир Раҳимов район халқ контроли комитетининг инспектори.



ФОТОАЙБНОМА

ЭСДАН ЧИҚҚАН ОБЪЕКТ

Сергели районида фақат темир-бетон синчлари ўрнатилган автобаза қурилиши бинокорлар томонидан унутиб юборилган. Қурилиш майдони чиқиндилар билан тўла. Атрофда жимжитлик ҳукмрон. Ҳозир ана шу хўжасизлик «муаллиф»ларини топиш ҳам қийин. Балки газетада фотоайбнома чиққандан кейин қурилишнинг «эгалари» топилиб қолар ва ишни тугаллаш муддатлари ҳақида бизга хабар қилишар.

М. Нуриддинов
фотолари.

БИЗНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯ

ЖАМОАТЧИЛИК ТАНБЕҲИ

СССР халқ контроли тўғрисидаги Қонун давлат интизоми ва совет қонунчилиги талабларини бузишда айбдор шахсларни жавобгарликка тортишда группа ва постларга кенг ҳуқуқлар беради. Жамоатчилик танбеҳи йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишнинг муҳим формаларидан бири ҳисобланади. Бунда қуйидаги шартларга риоя этилиши лозим: биринчидан, СССР халқ контроли тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, камчилик ва нуқсонга йўл қўйган шахсларнинг масъулияти ҳақидаги қарор фақат группа ёки пост йиғилишида қабул қилиниши мумкин; иккинчидан, бундай қарор фақат айбдор шахс йиғилишда қатнашганда қабул қилинади; учинчидан, жамоатчилик танбеҳининг эълон қилиниши текшириш натижалари билан асосланган бўлиши керак; тўртинчидан, группа ёки постнинг қарори йиғилиш протоколи билан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Аниқланган камчиликларнинг бартараф этилишига самаралироқ таъсир кўрсатиш учун текшириш материалларига ва уларнинг халқ контроли группа ёки пости йиғилишида муҳокама этиш натижалари меҳнат коллективлари эътиборига етказилади.

Жамоатчилик танбеҳи — ўзига хос жамоатчилик таъсири ва огоҳлантириш формаси бўлиб, бошқа жамоатчилик жазо чоралари каби маълум ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради. Масалан, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг меҳнат ҳақидаги қонунчилиги Асосларига мувофиқ у ёки бу ходим меҳнат бурчларини батартиб бажармаганлиги учун, агар илгари ҳам унга интизомий ёки жамоатчилик жазо чораси кўрилган бўлса ишдан бўшатиб юборилиши мумкин.

• *Само сирлари*

Гўзал сайёрамиз жамоли

Ҳурматли редакция! Она-Еримиздан тунда осмонга қарасак, Ой жуда гўзал кўринади. Мени шу боисдан бир нарса қизиқтиради: Ойдан, бошқа сайёралардан бизнинг Еримиз қандай кўринаркин?

М. ҚОДИРОВ,
ишчи.

Дунё шунчалар бепоён, шунчалар чексизки, унинг чеки-чегарасини, қаерда тугашини аниқ айтиб бўлмайди. Қир-адирларда, баланд тоғларда бўлганимизда, қоронғи тунда осмонга тикилсак унинг гўзаллигига мафтун бўламиз. Олтинранг юлдузлар, юлдузлараро сирли нурлар тўлқини, осмонимизнинг тунги маликаси — тўлин Ой шамоли хаёлимизни сеҳрлаб қўяди.

Энди хаёлан коинотга, сайёраларга саёҳат қилайлик-да, Она-Еримизнинг жамолига боқайлик. Бу ҳақда география фанлари кандидати Ортиқ Мўминовнинг «Қизиқарли география» китобида аниқ маълумотлар айтилади. Агар Ерни бошқа сайёрадан туриб кўзатилса, осмон бизга кундузи ҳам қоронғи бўлиб кўринар экан. Қуёш ёритиб турган пайтда ҳам осмонда юлдузлар чарақлаб тураркан.

Она-Еримиздан Ой қандай кўринса, Ер ҳам Ойдан худди шу зайлда кўринади. Лекин Ойнинг Ердан кўринаётган катталигига нисбатан тўрт баравар каттароқ ва ундан бир неча мартаба равшанроқ бўлади.

Инсон Зуҳра сайёрасида фараз қилайлик. Зуҳра сайёрасидаги атмосфера бегубор бўлганидан Қуёш ердагига нисбатан икки ҳисса катта, Зуҳранинг Ердан кўринишига қараганда олти баравар равшанроқ бўлиб кўринади.

Энди Зуҳрадан Меркурийга ўтдик, деб фараз қилайлик. Меркурийда ҳаво йўқ, кундуз билан кеча ҳам алмашинмайди. У ерда Қуёш ердагига нисбатан олти марта катта бўлиб кўринади. Ер эса Зуҳранинг ердан кўринишига нисбатан икки баравар равшан порлайди. Марсдан туриб қаралса, Қуёш Ердагига нисбатан икки баравар кичик бўлиб, Ер эса худди ердан Зуҳра сайёраси кўрингандек, тонгда ва оқшомда «юлдуздек» бўлиб кўринади. Юпитер осмонида Қуёш ердагига нисбатан йигирма беш баравар кичик бўлади, Ерни эса телескоп билангина кўриш мумкин.

Бепоён дунёда Она-Еримиз кичик, лекин ниҳоятда гўзал сайёрадир. Унда ҳаво бор, яшиллиқ бор, сув бор. Баъзан Еримизни шунинг учун ҳам «Сув сайёраси» деб атайдилар.

Т. РАСУЛЕВ.

Узбекистон амалий санъати музейи халқ манзарали санъати коллекциясининг ўзига хос хазинаси бўлиб, бу ерда 4 мингга яқин экспонат сақланади. Ушбу экспонатлар Узбекистон халқ усталари уч авлодининг ижоди билан таништиради. СУРАТДА: музейнинг ичкари ҳовлисида.

Осмонда электролёт

Тушино аэродромининг майдонида ғалати бир самолёт турибди. Кичкина, қанотлари атиги уч метр келади. Унинг ёнидаги АН—2 машқ самолёти улкан «Антей» ёнида турганида қандай кўринса ҳозир ўзи ҳам шундай катта кўринади.

Самолётлар учиш полосасига келар ва осмонга кўтарилар эди, лекин ҳамманинг диққат-эътибори «кичкинтой» да эди. Москва авиация институти студентлар конструкторлик бюросида учиш аппаратлари электр ускуналари кафедраси мудири профессор Ю. Конев раҳбарлигида яратилган автопилотли биринчи совет электролётини синаб кўришга сўнгги тайёргарликлар борарди.

Конструкторлик бюросининг раҳбари А. Павлов оператор пилот ролини зиммасига олиб, аэропланни боши узра кўтарди ва бир неча қадам югурди. Машина унинг қўлидан равон сирғалиб чиқиб, дарров тик юқорига кўтарилди. Самолёт баландликка чиқиб катта бир доира ясаб айланганидан сўнг Анатолий радио бошқарув пультининг тумблерини бураги:

— Шу пайтдан бошлаб бошқариш автопилот ихтиёрига ўтказилди. Учиш нормал ўтаётир.

Мутахассис электролёт тўғрисида гап бошлаб, аппарат кўп жиҳатдан ноёб эканлигини айтди. Уни яратишда анча-мунча мураккаб масалалар ҳал этилган. Шуларнинг асосийси мотордир.

Гап шундаки, бугунги кундаги аккумуляторлар такомиллашмаган. Уларда ўз вазнига нисбатан энергия сиғими оз. Шунинг учун ҳам мотор ҳам енгил, ҳам қуввати катта, ҳам ғоятда тежамли бўлиши керак. Учиш аппаратлари электр ускуналари кафедрасининг катта илмий ходими, техника фанлари кандидати Ю. Розно айни шундай мотор яратди.

Самолёт электр ускуналари қурилмаларининг комплекти ёшлар илмий-техникавий ижоди виставкасининг кумуш медали билан тақдирланди. Ушандаёқ кўп соҳаларнинг мутахассислари моделга қизиқиб қолди. Метеорологлар дарров уни атмосфера оқимларини кузатишда аскотадиган учувчи лаборатория, деб билдилар. Биологлар эса биологик иҳота вужудга келтиришда ҳашаротларни ҳаводан тарқатувчи транспорт воситаси, деб билдилар. Химиклар ва экологлар бўлса электролёт ёрдами билан саноат корхоналарининг баланд трубалари устидаги ҳаво пробасини олишни таклиф этдилар.

Айни шу таклиф электролётнинг биринчи амалий касбини белгилаб берди. Куни кеча уни яхшилаб ўраб Донбассга юборишди. Бу ерда у Углегорск ГЭСининг трубалари устидан учиб ўтиб, ҳаво пробасини олиб тушади.

(ТАСС).

ПЕШҚАДАМ БИЛАН БЕЛЛАШИШ ҚИЙИН

«ПАХТАКОР»— «ДИНАМО» (МИНСК)—0:3

Аввалги учрашувда тошкентлик футболчилар эркин ҳаракат қилиб, чиройли ўйин кўрсатишган эди. Шунинг учун ҳам «Пахтакор» бу сафар ҳужумкорликка зўр беради, майдонда чиройли ўйин кўрсатади, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо пешқадам пешқадамлигини қилди.

Бу йилги мавсумда минсклик футболчилар ўз олдиларига юксак натижага эришишни мақсад қилиб қўйганга ўхшашади. Нима бўлганда ҳам улар биринчи даврани жуда яхши ўтказишди. Бошқалардан кўп очко тўплашди, бошқаларга нисбатан дарвозага кўп тўп киритишди, энг кам мағлубиятга учрашди.

Буларнинг ҳаммасини пахтакорчилар яхши билишарди. Бунинг устига минсклик футболчилар кун ниҳоятда иссиқ бўлишига қарамай майдонга анча эрта чиқишди. Тер тўкиб машқ қилишди ва айни вақтда стадионга кўникишди. Бу нарса ўзига хос роль ўйнади.

Ҳамшаҳарларим и з учрашувнинг дастлабки минутларида бир неча марта чиройли комбинация ишлатдилар, лекин шиддатли ҳужумлар якунланмай қолди. Дастлаб Якубик ўнг қанот бўйлаб олдинга ташланди. Ҳимоячиларни алдаб ўтиб, тўпни дарвоза томон йўллади... Дарвозабон Вергиенко жойни нотўғри танлаган эди. Бироқ Кабаев ҳам. Иванов ҳам тўпни бўш дарвозага йўллай олмадилар. Орадан кўп ўтмасдан яна Кабаев ҳисобни очиш имкониятини бой берди. Олдиндан шуни айтиб қўйиш мумкинки, ўйин давомида бу ёш, лекин қобилиятли футболчи яна бир неча марта қулай вазиятлардан фойдалана олмади.

Бунинг сабаби нимада? Аввало Кабаевнинг ўз ўйинига бўлган муносабатида. Икки йилдан буён у яхши ҳужумчи сифатида ўзини кўрсатиб келмоқда. Тез ҳаракат қилади, техник маҳорати юқори. Шунга қарамасдан у бор маҳоратини намойиш этишга муваффақ бўлолмаяпти. Вахоланки, футболда ўзини кўрсатиш учун ажратилган вақтнинг чегараси бор. У ўз устида тинмай ишлаши, машғулотларда, учрашувларда ўзини аямай ҳаракат қилиши керак. Ана шунда имкониятлардан фойдаланиш сирини эгаллаб олади.

Юқорида айтилган фикрларнинг ҳаммаси «Пахтакор»нинг бошқа ёш ўйинчиларига ҳам тааллукли. Улар бу сафар ўз мухлисларини хушнуд этолмадилар.

Дастлабки шиддатли ҳужумдан кейин тошкентликлар суръатни пасайтиришди. Улар танаффусга қадар минсклик футболчиларга муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилган бўлишсада, чиройли ўйин кўрсата олмадилар.

Иккинчи бўлимда эса тошкентликларнинг ҳаракатидаги сусткашлик янада яқ қолроқ кўзга ташлана бошлади. Меҳмонларнинг ярим ҳимоячилари ташаббусни қўлга олиб, майдон марказида эркин ҳаракат қила бошлашди. Тез-тез ўрин алмаштириб «Пахтакор»нинг мудофаасидаги бўш жойларни қидира бошладилар. Денисовнинг бўлмаганлиги, шунингдек, бетобликдан кейин ўзини яхши ҳис қилмаётган Билолов майдондан чиқиб кетганидан кейин ана шундай бўш жойлар пайдо бўлди. Худди шу ердан туриб меҳмонларнинг чаққон ҳужумчиси Гуринович икки марта ҳужум уюштирди. Худди шу ердан Алейников тўпни кучли зарб билан тепиб, дарвозани нишонга олди ва ҳисобни 3:0 га етказди.

Ҳақиқатан ҳам пешқадам бу сафар «Пахтакор»га нисбатан кучли эканлигини амалда кўрсатди. Меҳмонлар ҳар жиҳатдан майдонда устунлик қилишди. Динамочилар навбатдаги галабани кўлга киритишди. Улар ҳақиқий маънода пешқадамга хос чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатдилар.

Назаримизда, майдон эгаларини динамочиларга муносиб қаршилик кўрсата олмаганликлари учун қаттиқ койишнинг ўрни бўлмаса керак. Тўғрисини айтганда, меҳмонлар ҳам бу сафар ниҳоятда чиройли ва ҳужумкор ўйин кўрсатганлари йўқ. Фақат бир нарсани айтиш керакки, пахтакорчилар энг кийин дакиқаларда ҳам руҳан тушкунликка тушмасликлари керак. Ана шундай оғир дакиқаларда ҳам кураша билиш лозим. Ҳар бир тўп учун қатъий курашиб, ўз ирода сини тобламоғи керак.

Кисқа қилиб айтганда, «Пахтакор» ўз ўйин услубини топиши, майдонда ҳар кандай рақиб билан имкони борича тенг курашишга ҳаракат қилиши керак. Ана шунда айрим мағлубиятлар ҳам мухлисларни ранжитмайди.

Э. АВАНЕСОВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: «Пахтакор» — «Динамо» (Минск) учрашувидан лавҳалар.

Р. Загратдинов фотолари.

Болалар муассасалари—«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари назоратида

«ШИКОЯТ ДАФТАРИНИ БЕРИНГ!..»

ГАЗЕТАДА БОСИЛГАН МАҚОЛАГА МУТАСАДДИ РАҲБАР ЖАВОБИ

Газетада босилган мақола бўйича белгиланган тадбирлар тўғрисида халқ маорифи Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев маълум қилади:

Халқ маорифи Бош бошқармаси ўзининг навбатдан ташқари советида «Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласи Ленин, Куйбишев, Ҳамза район халқ маорифи бўлимларининг мудирлари, район халқ маорифи бўлимларининг мактабгача болалар муассасалари раҳбарлари, инспектор-методист иштирокида муҳокама этилди. Йиғилишда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Еқубжонова, маориф ходимлари республика касаба союз комитетининг секретари З. Масютина, шаҳар партия комитетининг инструктори Л. Суздальцева, шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи Я. Пўлатов катнашдилар.

Муҳокама якунлари бўйича халқ маорифи Бош бошқармасининг буйруғи чиқарилди. Унда жумладан, район халқ маорифи бўлимлари, мактабгача болалар муассасалари раҳбарларининг савдо органлари оқибатида болалар сабзавот, мева, балиқ, сут-қатиқ маҳсулотларини мўлжалдагидан кам олишаётгани таъкидлаб ўтилди. Медицина ходимлари, педагогик коллективлар болаларнинг тўйимли овқатланиши учун масъулиятни чуқур ҳис этмаганлар. Район халқ маорифи бўлимларининг овқатланиш бўлимлари, мактабгача тарбия бўйича инспектор ва методистлари жойларда онда-сонда бўлишади, озиқ-овқат маҳсулотларининг қандай танланаётганини таҳлил этишмайди, овқатланишни ташкил этиш ва болаларнинг давоматини етарлича назорат қилишмайди.

Контроль-ревизия бошқармаси ва шаҳар халқ маорифи Бошқармаси инспекторлар состави район халқ маорифи бўлимлари ва мактабгача болалар муассасаларининг фаолиятини бўш назорат қилмоқдалар ва улар фаолиятига бўш раҳбарлик қилмоқдалар.

6, 32, 489, 520, 231, 270-мактабгача болалар муассасаларининг болалар овқатланишини ташкил этиш бўйича ишлари қониқарсиз деб топилди.

270-болалар боғчасининг мудираси М. Елисанова ўз вазифасидан четлаштирилди.

Узларига ишониб топширилган муассаса иши устидан етарлича назорат ўрнатмагани ва қониқарсиз раҳбарлик қилгани учун, овқатланишни ташкил этишда қўпол хаталарга йўл қўйганлиги учун 32-болалар боғчасининг мудираси З. Суханова, 489-болалар боғчасининг мудираси В. Акашева, 520-болалар боғчасининг мудираси Ф. Нафиковалар ўз вазифаларидан четлаштирилиб, педагог-тарбиячи ёки боғчаяслиларнинг тарбиячилигига ўтказилди. 231-болалар боғчасининг мудираси М. Кўчқоровага виговор эълон қилинди.

Мактабгача болалар муассасалари методистлари Л. Романова, Л. Скичко, С. Исоқоваларга мактабгача болалар муассасалари фаолияти устидан назоратни бўшаштиргани учун виговор эълон қилинди.

Ленин райони халқ маорифи бўлимининг мудири Н. Сучкова, Куйбишев район халқ маорифи бўлимининг мудири Ғ. Абзалов, Ҳамза район халқ маорифи бўлимининг мудири А. Содиқовлар мактабгача болалар муассасаларида овқатланишни ташкил этишни қониқарсиз назорат қилганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилдилар.

ЖУМБОҚЛАРДАН ИБОРАТ ЖАВОБЛАР

«Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласида кўтарилган масалалар болалар боғчаларида фарзандлари тарбияланаётган оқшомхонларда ҳам, шунингдек бевосита болалар муассасалари ишига алоқадор ходимларларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Бугун биз шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси ва «Ташгосснабторг» раҳбарларининг бу материалда ўртага қўйилган бош масала юзасидан йўллаган жавобларини эълон қиламиз: болалар муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамон кун тартибида турибди.

«Шикоят дафтарини беринг!..» мақоласида болалар муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи «Ташгосснабторг»нинг чакана савдо магазинлари шаҳнига бундай маҳсулотлар тури ва сифати етарлича эмаслиги юзасидан танқидий фикрлар билдирилган эди. Биз бу мақолани «Ташгосснабторг»нинг барча чакана савдо магазинлари мудирлари ва аппаратнинг масъул ходимларининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилдик. 2, 13, 14-чакана савдо магазинларининг раҳбарлари Я. Юсим, Р. Шчербинина, М. Умарованг улар ишидаги мавжуд нуқсонлар кўрсатиб ўтилди. Биркитилган ташкилот ва муассасаларга хизмат кўрсатишни ташкил этишни яхшилаш бўйича кўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Чакана савдо магазинларига ўз вақтида мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш мақсадида марказлашган усулда товарлар етказиб бериш юзасидан буюртмалар қабул қилишни амалга ошириш таклиф этилди. Таъминотчилардан олинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари турлари ва сифати устидан назорат кучайтирилди. Тошкент области ва республика (Самарқанд, Андижон, Наманган) хўжаликларидан бевосита сабзавот ва мевалар етказиб бериш тўғрисида шартнома тузилди. Ҳозир магазинларда кенг ассортиментда мева-сабзавот маҳсулотлари бор.

Базаларни товарлар билан таъминлаш «Ташгосснабторг» хизмат бурчига буюртмалар бўйича уларни танлаб олиш бевосита мактабгача болалар ва даволаш муассасалари раҳбарлари назорати остида эканлигини ҳисобга олиб, биз буюртмалар натижаси ҳақида район халқ маориф бўлимлари ва шаҳар халқ маорифи Бош бошқармасининг бу ишни қандай олиб бораётганликлари ҳақида хабардор қилмоқдамиз. Бунда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, айрим болалар боғчаларининг мудирлари буюртмаларни ўз вақтида беришмайди, «Ташгосснабторг» билан ўз вақтида ҳисобкитоб қилишмайди. Натижада базаларда товарлар тўла ассортименти мавжуд бўлган ҳолда ҳам болалар боғчаларида ҳатто энг зарур маҳсулотлар бўлмайди.

Район халқ маорифи бўлимларининг муттасил қарздорлиги ҳам болаларни бир маромда таъминлаш имконини бермаяпти. 10 та район халқ маорифи бўлимидан 8—9 таси мунтазам қарздор бўлиб келяпти. «Ташгосснабторг» чакана савдо товарларини олдиндан ҳақ тўлаш бўйича реализация қилиш тартиби тўғрисидаги қоидага мувофиқ барча турлаги товарларни беришни бир зумда тўхтатиши мумкин. Бироқ таъминотдаги узилишларнинг олдини олиш мақсадида биз бу товарларни бериб келяпмиз.

Газетада кўтарилган барча масалалар алоҳида назорат остига олинди.

Р. АЛИМОВА,
«Ташгосснабторг» директори.

Халқ маорифи Бош бошқармаси партия ва совет органларининг доимий ёрдамлари билан болалар муассасаларида болалар таъминотини яхшилаш юзасидан тадбирлар кўриб келмоқда.

«Ташгосснабт о р г» билан биргаликда савдо ташкилотлари раҳбарлари ва мактабгача болалар муассасалари ходимлари иштирокида харидорлар конференциялари ўтказилди. Уларда нуқсонлар очиб ташланмоқда, болалар таъминотини аниқ ташкил этишни кўзда тутувчи тадбирлар белгиланмоқда.

«Ташгосснабт о р г» базаларидан маҳсулотларни планли суръатда бериш мақсадида мактабгача болалар муассасалари раҳбарлари билан район халқ маорифи бўлимларининг марказлашган бухгалтериялари озиқ-овқат бўлимлари билан ҳамкорликда ҳар бир мактабгача болалар муассасаси бўйича ажратилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда маҳсулотларнинг барча турларига йиллик ва ойлик буюртмалар ишлаб чиқиляпти. Аммо бизда бу масалада проблемалар йўқ деб бўлмайди. Мавжуд қоидага биноан район халқ маорифи бўлимларининг савдо ташкилотларига ҳар ойнинг 5 числосидан маҳсулотларга талаб эҳтиёж юзасидан маблағ ўтказилади. Ўзаро ҳисоб-китобларни текшириш ой охирида қилинади. Айрим магазинлар забор китобларисиз товарлар беришяптики, бу марказлашган бухгалтериялар ишини қийинлаштиряпти ва дебиторлик ҳамда кредиторлик қарздорлари қилиб қўяпти.

Масалан, «Ташгосснабторг»нинг 8-магазини Киров район халқ маорифи бўлимидан шу йилнинг 1 июлига қадар 25.613 сўм, 4-магазин — 8 минг сўм қарздордир. Район халқ маорифи бўлими эса 13-магазиндан 32 минг 551 сўм қарздор. Мактабгача болалар муассасаларини тирик балиқ, суяксиз балиқ билан таъминлаш масаласида «Ташгосснабторг»га эътирозларимиз бор. Бизга кўпинча сифати паст бўлган балиқларни таклиф қилишади. Табиийки, бундай балиқларни мактабгача болалар муассасалари олишмайди. Натижада бу овқатланишнинг тасдиқланган нормасини бузишга олиб келади. Шуни айтиш керакки, гўшт ўрнига чет эл товуқларини бериш, 9 тийинлик ўрнига 13 тийинлик тухум, цитрусмеваларидан рационда тез-тез фойдаланиш овқатланишни қимматлаштириб юборади. Табиийки, бу «Ташгосснабторг» билан ўзаро ҳисоб-китобларда ва маҳсулотлар танлашдаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади.

Л. ГОРЯЧЕВА,
халқ маорифи Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

«Пахтакор» ҳақида 17 фикр

— Доимо учрашув олдидан ярим соатлик машғулот ўтказасизларми? — дея сўрадим Эдуард Васильевич Малофеевдан.

Э. МАЛОФЕЕВ,
Минскнинг «Динамо» командаси катта тренери, хизмат кўрсатган спорт мастери, Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган тренер

— Бу биз учун одат бўлиб қолган. Бундай машғулотнинг фойдаси жуда катта. У ўйинчиларга ўзгаларнинг майдонига кўникиш имконини бериш билан бирга уларни ўйинга ҳар жиҳатдан ҳозирлайди. Хўшмак чалиниши билан бирданига ўйинга киришиб кетиш имконини беради.

— Бор куч билан машқ ўтказиш, кейин эса икки бўлим давомида ўйнаш спортчидан ниҳоятда соғлом бўлишини талаб қилади.

— Шундай бўлиши керак. Юксак жисмоний тайёргарликка эга бўлмасдан туриб ўйинчилар қанчалик маҳоратли бўлишидан қатъий назар команда олдига жиддий вазифа қўйиб бўлмайди.

— «Пахтакор»ни йиғрик ҳисобда енгамиз деб ўйлаганмидингиз?

— Биз Тошкентда енгил галабани қўлга киритдик дея олмаймиз. Агар дастлабки дақиқаларда пахтакорчилар имкониятдан фойдаланишганида учрашув қандай тугашини айтиш қийин бўларди. Иккинчи бўлимда пахтакорчилар бироз чарчаб қолганларидан кейин хатоларга йўл қўйишди. Ана шу хатолардан усталик билан фойдаландик.

— «Пахтакор» сизда қандай таассурот қолдирди?

— Жуда яхши таассурот қолдирди. Мутахассислар одатда мазлум учрашувнинг натижасига асосланиб команданинг ўйинини баҳолайди. Команданинг 2—3 техник ва тактик усули кўп нарсадан дарак беради. «Пахтакор» ҳам учрашуда бир неча яхши комбинациялар кўрсатди. Якубик, Пак, Кабаевлар ишлатган комбинациялар жуда чиройли бўлди. Иванов, назаримда, пахтакорчилар орасида энг яхши ҳаракат қилди. Афсуски, имкониятлардан ҳамма вақт ҳам фойдаланилмайди.

Менимча, ёшлар бироз тажриба тўплаганларидан кейин «Пахтакор» яна ўзини кўрсатади. Очко тўплаш йўлидан бормасдан чиройли ўйин кўрсатиш йўлидан борилаётганлиги тахсинга сазовор.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

МОСКВА

АНЪАНАНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ

III Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программасига киритилган қизлар ўртасида чим-хоккей турнири республикамиз спортчиларининг ғалабаси билан якунланди.

Чим-хоккей Ўзбекистонда энг кўп тарқалган спорт турларидан биридир. Шунга қарамасдан у спортнинг энг ёш турларидан бири ҳисобланади. Республикамизда бу борада ўзига хос анъана вужудга келди. Жумладан, «Андижанка» командаси мамлакатимизнинг биринчи чемпиони бўлди. Шу боисдан ҳам ёш қизларимиз кўлга киритган муваффақиятни тасодифий деб бўлмайди.

Мутахассислар ўзбекистонлик қизларнинг юксак тактик ва техник маҳоратга эга эканликларини таъкидлаб, уларнинг келажаги порлоқ дейишмоқда.

ШАМОЛДАН ТЕЗ

III Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари программаси доирасида ўтказилган велосипедчилар мусобақаси мухлисларда жуда катта қизиқиш уйғотди. 187 километр масофага ўтказилган пойгада тошкентлик спортчи В. Воронин маррага биринчи бўлиб етиб келди. Вахоланки, ғолиблик учун бўлган курашда мамлакатимиздаги жуда кўп маҳоратли спортчилар иштирок этишган эди. Шунинг учун В. Воронининг ғалабасини осонлик билан кўлга киритилди деб бўлмайди.

МИНСК

ИЛК МАРТА ИККИНЧИ

Оғир атлетика бўйича ўтказилган мусобақада республикамиз командаси катта муваффақиятли кўлга киритди. Оғир атлетикачиларимиз биринчи марта мусобакаларда командада хисобида иккинчи ўринни эгалладилар. Улар Белоруссия, РСФСР, Козоғистон сингари қатор кучли терма командаларни ортда қолдириб кетишди.

Мусобакаларнинг сўнгги кунида ҳамюртимиз А. Шмигов командасига зарур бўлган очколар олиб берди. У икки машқда 385 килограмм натижа кўрсатиб 100 килограммгача оғирликдаги спортчилар ўртасида учинчи ўринни эгаллади.

КУРАШЧИЛАР БАҲСНИ ЯКУНЛАШДИ

Эркин курашчилар III Бутуниттифоқ ёшлар спорт ўйинлари доирасида ўтказилган баҳсни якунлашди. Бу ерда республикамиз вакилларидан ҳеч бирига чемпионлик унвонини кўлга киритиш насиб этмади. А. Ибрагимов кумуш медаль билан тақдирланди. Эркин курашчиларимиз команда хисобида еттинчи бўлишди.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

РЕДАКЦИЯДАН: Икки ташкилот — «Ташгосснабторг» ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи Бош бошқармасининг жавоблари бу икки идоранинг янада мустаҳкам ҳамкорликда ишлаши зарурлигини яққол кўрсатиб турибди.

Район халқ маорифи бўлимлари «Ташгосснабторг» билан ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмагани, бу идора эса ўз навбатида болалар муассасаларини таъминловчи чакана савдо магазинларини болалар истеъмол қилишни хоҳлайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳамиша етарли миқдорда таъминламаётгани, уларга ажратилган маблағларга тўғри келмаётгани учун болалар муассасаларига қатнаётган фарзандлар жабр кўрмасликлари керак.

Ишни аниқ ташкил этиш, мунтазам назорат, болалар билан ишлашга алоқадор кишиларнинг масъулиятни юксак даражада ҳис этишлари ва уларнинг у ёки бу масалани ҳал этишда мақбул йўлни излаб топишга интилишларигина болалар муассасалари меню сида болаларнинг овқатланиш учун барча маҳсулотлар ҳамиша етарлича миқдорда бўлишига кафолат беради.

Ҳар икки ташкилот мутасадди раҳбарларининг жавобларидан ҳали шаҳримиздаги болалар муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишида бир қатор чалкашликлар, ечилмаган муаммолар борлиги кўриниб турибди. Бинобарин, бу муаммоларни ечишга панжа орасидан қарамаслик, сансалорликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Болалар муассасаларини зарур товарлар билан таъминлаш ишидаги чалкашликларга узил-кесил барҳам бериб, таъминот масаласи аниқ йўлга қўйилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. «Ташгосснабторг» ҳам, шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси ҳам бу масалада ойдин йўлни белгилаб олишлари, ўзаро ҳисоб-китоб ишларида, бир-бирларига буюртма бериш ва шу буюртмаларни бажаришда етарлича назорат ўрнатмоқликлари керак. Шунда жавоблар ҳам жумбоқ бўлмаган бўлур эди. Зотан, мақсад битта экан, ҳаракат ва интилиш ҳам битта бўлиши керак. Ўйлаймизки, болалар таъминотига бевосита мутасадди бўлган икки идора — шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси ва «Ташгосснабторг» раҳбарлари бу масалада жиддийроқ бош қотириб, тўғри ва ойдин йўлни танлаб олишади!

3 ТОШКЕНТ бет оқшоми
29 ИЮЛЬ, 1982 й.

КИНО

29 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЕШ ЙИЛЛИК ҚАЛДИРҒОЧИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ДЕНГИЗ ОФИЦЕРЛАРИ» — **Восток.**

«РУС БАЛАЛАЙКАСИ» — **Искра.**

БАДИЙИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА КОНТРОЛЬ ИШ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Хива** (22.00, телефон 32-78-02).

«МЕН БУТУНЛАЙ КЕЛДИМ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Узбекистон 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-81).

«БИЗ ЕНМА-ЕН ЯШАР ЭДИК» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«СЎНГГИ НАВБАТДА» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда телефон 24-22-66).

«ЎЛИК МАВСУМ» — **Фестиваль** (17, 20.00, телефон 32-78-02).

«АМИНИСТИЯ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80).

30 ИЮЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БЕШ ЙИЛЛИК ҚАЛДИРҒОЧИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ПАРАНЖИ» — **Москва.**

«ҲАВТНИ ЕНГИЦ» — **Нукус.**

«СИОНИЗМ — СТРИТ» — **Восток.**

«РУС БАЛАЛАЙКАСИ» — **Искра.**

«ХАТО БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС» — **Лисунов номли.**

БАДИЙИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА КОНТРОЛЬ ИШ» — **Узбекистон 25 йиллиги номли** (телефон 53-65-87).

«МЕН БУТУНЛАЙ КЕЛДИМ» — **Ғ. Ғулом номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 48-42-80).

«ЎЗГАЛАР БАЗМИДА» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66). **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«ЎЛИК МАВСУМ» — **Фестиваль** (11, 14, 17, 20.00, телефон 32-78-02).

«ЭКИПАЖ» — **С. Раҳимов номли** (18, 20.30).

Главташкентстройнинг

4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА

ЗИЛ—130, МАЗ, КамАЗ машиналарини ҳайдовчи 1, 2, 3- класс шофёрлари

КЕРАК

Ишга Тошкент шаҳри ва Тошкент областида прописка қилинган шахслар қабул қилинади.

Елғизларга ётоқхона берилади. Ишчилар хизмат транспорти билан таъминланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. Аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

Сергели районидаги Беруний номли 32-мактаб томонидан **Тоҳирова Назира Комиловна** номига берилган 694002 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲҚҚИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Октябрь районидаги 85-ўрта мактаб томонидан **Малинова Гулчеҳра Маннаповна** номига берилган 556637 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲҚҚИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ

ЁЗГИ ТЕАТРИДА

31 июль — 1 август соат 20.30да

Озарбайжонлик паҳлавон

КАЗБЕК МАГЕРРАМОВ

ва бўғма илонларни ўргатувчи артист

АНАТОЛИЙ СТОЙКОВЛАР

ИШТИРОКИДА

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

ПРОГРАММАДА: иллюзион ҳазиллар, масҳарабозликлар ҳамда бўғма илонлар билан ҳар хил ўйинлар.

Касса соат 14.00 дан очиқ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

РЕСПУБЛИКА ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 да

ОТЛАР ПОЙГАСИ



ПРОГРАММАДА: анъанавий ютуқлар ва номли мукофотлар ўйини.

Отчопарда ҳар хил ўйин аттракционлари ишлайди.

От пойгасида Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг колхоз, совхоз ва от заводларидаги энг яхши отлар қатнашади.

От-спорт лотереяси (тотализатор) ишлайди.

Отчопарда совуқ ичимликлар билан савдо қиладиган буфетлар Сизнинг хизматингизда.

Сиз бутун йил давомида ишлайдиган прокатдан (душанба кунидан ташқари) фойдаланишингиз мумкин. Отда ва тройкада сайр қилиш мумкин.

Отчопар корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари билан отни миниб юришга прокатга бериш учун шартномалар тузади.

Аҳолидан гўё гаштаналарида сайр қилиш учун рус тройкаларига заявкалар қабул қилинмоқда.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри. Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов станцияси»). Телефонлар: 76-82-18, 76-82-19, 76-29-34.

УЙИНГИЗ ШИНАМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

Ҳамма ўзи яшайдиган уйнинг кўркам ва шинам бўлишини истайди. Уйларни расмлар, гиламлар билан турлича ясатиш мумкин. Гилам — Шарқ хонадонларининг анъанавий безагидир. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида гиламлар кредитга сотилмоқда.

ХИВА ГИЛАМЛАРИНИ

қуйидаги магазинлардан кредитга сотиб олишингиз мумкин.

№3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй;
№10 — Фарҳод ярмаркаси;
№16 — Морозов кўчаси, 25-уй;
№17 — Сергели (бозор).
№ 3 — Истиқбол кўчаси, 1-уй;
№ 10 Фарҳод ярмаркаси;
№ 16 — Морозов кўчаси, 25-уй;
№ 17 — Сергели (бозор);
№ 18 — Сельмаш кўчаси, 1-уй;
№ 25 — Навоий кўчаси, 24-уй;
№ 28 — Оқтепа майдони;
№ 33 — Б. Хмельницкий, 1-уй.

Савдода ҳар хил катталикдаги турли рангдаги гиламлар бор.

«ТАШХОЗТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

1982—83 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

216-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юртн қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди: пўлат ва темир-бетон конструкциялари ремонти бўйича монтажчилар, қурилиш дурадгорлари, дурадгорлар, қўлда пайванд қилиш электр пайвандчиси, қурилиш машиналари ремонти бўйича слесарь, автомобиль ремонти (электр ускуналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш) **бўйича слесарь. Ўқиш муддати — бир ва 3 йил. Қурилиш бўёқчиси. Ўқиш муддати — 3 йил.**

Ўқиш муддати — 8-синф ҳажмида маълумотлиларга — 3 йил, 10 синф ҳажмида маълумотлиларга — 1 йил.

Билим юртини тамомлаган йигит ва қизлар ўрта маълумот тўғрисида диплом оладилар ва уларга касб разряди берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

8-синф ҳажмида маълумот билан келган ўқувчилар овқат, кийим-кечак ва коржома билан таъминланадилар, 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўмдан стипендия оладилар. Бундан ташқари, ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикасида топган иш ҳақларининг 50 проценти тўланади.

Билим юртида касб бўйича тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараги, спорт секциялари ишлаб турибди. Ёзги каникул даврида дам олиш учун Чимёнда соғломлаштириш лагери мавжуд. Санаторийда даволанишга муҳтожларга санаторий ва дам олиш уйларига бориш учун бепул йўлланмалар берилади.

Аълочи ўқувчилар учун билим юрти қошида автомобиль ҳайдашга ўргатадиган, «В», «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси берадиган 6 ойлик курс ташкил этилган.

Имтиёзли диплом олганлар олий ўқув юртига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес :Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, А—4-уй.

200-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юртига 8 —10 синфни тамомлаган 14 — 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ҳунар-техника билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича «Миконд» заводи учун ёш кадрлар тайёрлайди: резистор-йиғувчилар, интеграл микросхемаларни йиғувчилар. Ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар, техника контроли бўлими, **радиотехника асбобларининг монтажчилари, электромонтёрлар, конструктор-чизмачилар, токарь универсаль-асбобчилари, автослесарлар, асбобсозлар, биллур буюмларини пардозловчилар.**

Билим юртида ўқиш муддати — 1 йилдан 3 йилгача Бир йиллик ўқиш пайтида ўқувчиларга ойига 30 сўм стипендия берилади. Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар корхона ҳисобидан қўйшимча 46 сўм стипендия оладилар. 3 йиллик ўқиш пайтида ўқувчилар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даври иш стажига қўшиб ҳисобланади ва 33 процент маош берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзли йўлланма берилади.

Билим юрти қошида «Ёшлик» киностудияси, фототўгарак, футбол, кураш, бокс, енгил атлетика, спорт секциялари ишлайди.

Каникул вақтларида ўқувчилар Қораденгиз бўйига, санаторияларга ва дам олиш уйларига ҳамда «Чимён» лагерларига путёвкалар билан таъминланадилр.

Ҳужжатлар саот 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юртини битирганлар «Миконд» заводига йўлланма оладилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ўзекистон кўчаси, 106-уй, метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

2-ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича авиация саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради.

Учувчи аппаратларнинг йиғувчи слесари, сонли программали бошқариладиган станокларнинг автоматлари ва контроль-ўлчов асбобларининг созловчиси, программали бошқариладиган станокларнинг оператори, бўёқчи-суворқчи, токарь-фрезерчи, механик-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналари ремонтчи-слесари, техника контроли, бўлими контролерлари.

Билим юртига15-25 ёшдаги 8- 10 синф маълумотдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 синф маълумотдагиларга — 3 йил. Ўқувчилар ўқишни битиргач ҳунар билан айни вақтда тўлиқ ўрта маълумот ҳам олиб чиқадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз касблари бўйича олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилинадилар; 10 синф маълумотидагилар учун ўқиш муддати — 10 ой.

3 йил муддатли таълим группаларига қабул қилинган ўқувчилар овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар; 10 синф маълумотидагилар эса ойига 64 сўм 77 тийин ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртида Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҳамкорлигида Тошкент шаҳар олий ўқув юртларига киришлик учун тайёрлов курслари ишлаб турибди.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ҳамма ўқувчилар меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртида программали асбоб-ускуналар билан қуролланган 12 та фан кабинети бор. Бу кабинетлар замонавий техника воситалари билан мукаммал жиҳозланган.

Билим юрти қошида спорт секциялари ишлаб турибди, ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгарагида, вокаль-чолғу ансамблида, авиация тўгараги машғулотларига фаол қатнашадилар.

Билим юртини тугатганлар Тошкент политехника институтининг кечки ва сиртқи бўлимларига — самолётсозлик ва механика факультетларига, шунингдек бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.

Билим юртини тамомлаганлар ўз ихтисослари бўйича В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида иш билан таъминланадилр.

Ҳужжатлар — якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Тошкент областидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиационная проезди, 10-уй. Телефон 41-89-01.

178-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти метро қурилишида ишлаш учун қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: **газ-электр пайвандчи, суворқчи-бўёқчи, мармар ва гранит билан пардозловчи, автокран бошқарувчиси, дурадгор, пардозловчи-кошинкор-безакчи, лаҳмчи-монтажчи-кучлантирувчи, ер ости лаҳм қазиш механизмларининг слесарь-монтажчиси, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, контроль-ўлчов приборлари, автоматика ва саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи слесарлар.**

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ЙИЛ.

Суворқчи-бўёқчи, автокран бошқарувчиси, дурадгор-столяр, автомобилларни ремонт қилувчи слесарлар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ.

8 — 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. 10 синф маълумоти билан ўқишга кирган ўқувчиларга ҳар ойда 94 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8 синф маълумоти билан ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўладилар. Уларга бепул кийим-кечак ва уч маҳал овқат берилади.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспортининг ходимлари қатори интиёзлардан фойдаланадилар. аъло баҳолар билан битирганларга эса Транспорт қурилиши министрлигининг олий ва ўрта таълим муассасаларига йўлланма берилади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, Д-20 кварталы (29, 50, 78-автобусларнинг «Ётоқхона» бекати).

158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Билим юрти Тошкент шаҳри қурилишларида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассисларни тайёрлайди.

Қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошинкор-мозаикачи, суворқчи-пардозловчи-кошинкор, газ пайвандчи.

Ўқиш муддати — 5 ой ва 1 йил.

8 — 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 — 25 ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Ўқувчилар касб эгаллаш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз ихтисосликларидаги олий ўқув юртига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

10 синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 5 ва бир йил.

3 йиллик таълим бўйича қабул қилинган ўқивчилар овқат, махсус кийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди тўгараклари, вокал чолғу ансамбли бор.

Билим юртини битирганлар политехника институтининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, шунингдек бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.

Билим юртини битирганлар «Главташкентстрой» системасида ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминланадилар.

171-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Бўёқчилар, бўёқчи-альфрещчиклар, суворқчилар, қурувчи-дурадгорлар, электромонтажчилар, электр пайвандчилар, ғишт терувчи монтажчилар, дурадгор-паркетчилар, пардозчи-кошинкор, ёғоч ва ганч ўймакорлари.

Ўқиш муддати — 6 ой ва 1 — 3 йил.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

3 йиллик ўқишни тамомлаганларга ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат ва ҳунари бўйича аттестат берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак, ҳамда ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳаки билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ўрта ва олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинади.

Областлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), турар жойидан справка, мактабдан характеристика, автобиография.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар — 81, Домробод кўчаси, 74-уй (54, 50, 70, 79, 80, 34, 103, 123-автобусларнинг «16-Поликлиника», 16-троллейбуснинг «Домробод» бекатлари. Телефон 77-49-53.

Ҳужжатлар соат 9.00 дан бошлаб қабул қилинади.

Ҳунар-техника таълими системасидаги билим юртларига ўқишга кириш учун қабул комиссияларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ҳунар-техника билим юртига қабул этиш ҳақида мазкур билим юрти директори номига ариза (танланган касб аник кўрсатилиши шарт), ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), учта фотосурат (3 х 4 см.), корхона ёки ташкилот (агарда ўқишга кирувчи шахс мазкур ташкилотлар томонидан юборилаётган бўлса)нинг йўлланмаси.

Ўқишга кирувчи билим юртига келган заҳоти қабул комиссиясига паспорти, чақирилиш қоғози (ҳарбий, хизмат ёшидаги кишилар учун) ёки ҳарбий билетини (запасдаги ҳарбий хизматга лаёқатли кишилар учун) кўрсатади, зотан бу ҳақда сўнг ўқишга кирувчининг шахсий варақасида қайд этилади.

Билим юртига қабул ҳақидаги аризани топширганлар ўзлари танлаган касби бўйича ишлашга жисмоний лаёқатли ва соғлиғга мувофиқ келишини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

29 ИЮЛЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 Шахмат мактаби. 18.15 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 СССР Пўлар министрлиги намунали духовой оркестрининг концерти. 20.20 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирманинг ишлари билан». 2-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «Сиз бунга қодирсиз». 23.05 СССР халқ артисти М. Войтес ва РСФСР халқ артисти Д. Дашиев, РСФСР халқ артисти Н. Некрасов раҳбарлигидаги рус халқ чолғулари академик оркестри жўрлигида қўшиқлар ижро этишади. 23.55 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Ҳужжатли фильм премьераси. 19.00 «Қўшиқларимиз сенга, мамлакат». Фильм-концерт. 19.30 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Рус халқ қўшиқларидан концерт. 21.00 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Бремя». 22.05 «Пароходлар эса наъра тортиб жўнаб кетади». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Эҳ, дам олдим», «Мовий филча», «Қўёш қўёни». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатали. «Сенинг замондошинг». 19.00 «Ҳаёт каби тирик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Баландлик». Телефильм. 20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.30 «Ахборот». 20.50 Ф. Баратова ва И. Малаков концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Уларни фақат афтидан танир эдилар». Бадиий фильм.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 19.10 Реклама. 19.30 «Эшмат — фаришта». Телевизион бадиий фильм («Узбектелефильм»). (рус). 20.00 Янгиликлар. 20.25 «О, муҳаббат». Телевизион бадиий фильм (рус.). 21.30 МТ II.

30 ИЮЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, вице-адмирал Г. И. Шчедрин билан учрашуви. 10.25 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирма ишлари билан». 2-қисм. 11.35 Д. Шостакович квинтети. 12.10. Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Темирйўлчилар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар программаси: «Кунермагача борадиган тезюрар». «Тунги смена». «Темирйўл». 16.20 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси. Кўрсатувни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. Д. Зудов олиб боради. 17.05 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус қўшиқлари академик хорининг концерти.

17.55 «Москва ва москваликлар». 18.25 «Буратино кўргазмага ошиқмоқда». 18.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Халқ иқтидори». Телевизион кўрсатув. 20.10 «Олам кинокамера кўзгусида». «Фирма ишлари билан». 3-қисм. 21.30 «Время». 22.05 К. Орбелян раҳбарлигидаги Арманистон Давлат эстрада оркестрининг концерти. 23.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 В. П. Чкалов экипажининг Шимолий Қутб орқали Америкага парвози ҳақида ҳужжатли фильм. 19.55 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Феодосия расмлар галереяси. И. К. Айвазовский. 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин кичкинтойлар». 20.45 Дон казаклари Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 «Время». 22.05 «Оппоқ уфқ». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Йўлбарслар». Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 19.00 «Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар». «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари В. Бочков ҳақида репортаж (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». 20.15 «Ишчи эстафетаси». Ҳужжатли фильм премьераси. («Узбектелефильм»). 20.30 «Ахборот», 20.50 «Мен рақсга тушмоқчиман». Фильм-концерт («Узбектелефильм»). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дўстлар маслаҳати». Пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг иши ҳақида. 22.35 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм. («Узбектелефильм»). 24.00 Янгиликлар.

Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг Электротехника медицина техникуми маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари техникум ўқитувчиси А. Арислонова отаси

Абдумажид АРИСЛОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

4 ТОШКЕНТ бет. ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 32-57-02, бўлимлар: партия гурмуш — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

29 ИЮЛЬ, 1982 й. Р—13415. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.